

БОДОМНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҚАНДАЙ ХИМОЯ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК?

Жумаев Расул Аҳматович, қ.х.ф.д., профессор,
Ҳасанов Анвар Муроталиевич, таянч докторант,
Холлиев Асамиддин Тураевич, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. В статье приведены результаты применения химических препаратов против распространенных вредителей миндаля, в том числе против абрикосовой толстоножки, Талстар 10% к.эм. (0,6 л/га), Циперметрин 25% к.эм. (0,2 л/га), Циперфос 55% к.эм. (1,0 л/га), против клещей Децис 2,5% к.эм. (0,5 л/га), Фуфанон 57% к.эм. (1,0-3,0 л/га), Золон 35% к.эм. (0,8-2,8 л/га), Би-58 (Новый) 40% к.эм. (1,2-2,0 л/га), против тлей Оvipрон 2000 к.эм. (нефтяные масла) (10,0-15,0 л/га), Когинор 20% к.эм. (0,15-0,25 л/га), Тайшин 50 % (0,03-0,08 кг/га), Моспилан 20% см.пор. (0,15 кг/га). При применении вышеперечисленных препаратов в указанных нормах защита от вредителей составила до 80-85%.

Abstract. The article presents the results of using chemicals against common almond pests, including apricot budworm, Talstar 10% c.em. (0.6 l/ha), Cypermethrin 25% em. (0.2 l/ha), Tsiperfos 55% em. (1.0 l/ha), against ticks Decis 2.5% k.em. (0.5 l/ha), Fufanon 57% em. (1.0-3.0 l/ha), Zolon 35% em. (0.8-2.8 l/ha), Bi-58 (New) 40% k.em. (1.2-2.0 l/ha), against aphids Ovipron 2000 k.em. (petroleum oils) (10.0-15.0 l/ha), Koginor 20% em. (0.15-0.25 l/ha), Taishin 50% (0.03-0.08 kg/ha), Mospilan 20% cm.por. (0.15 kg/ha). When using the above drugs in the specified standards, protection against pests amounted to 80-85%.

Калим сўзлар: бодом, зараркунанда, қарши кураш, кимёвий препарат, биологик самарадорлик.

Бодом иссиқсевар, қурғоқчиликка ўта чидамли ўсимлик бўлганлиги сабабли йилига 500-700 мм дан зиёд ёғингарчилик бўладиган Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғ ва тоғолди минтақаларида қадим замонлардан бери ўсиб, ҳосил бериб келади. Бу ерларда янгидан барпо қилинган бодомзорлардан ташқари табиий ўрмонларда ёввойи ҳолда ҳам ўсади ва унинг оддий (маҳаллий), Бухоро, Петунников, Тиканли, Калмиков деб номланган навлари бор. Бодом мевалари жуда қимматли бўлиб, ундан халқ хўжалигининг кўп тармоқларида фойдаланилади. Данаги қотмаган хом бодомни шакарга қўшиб ёки мураббо тайёрлаб истеъмол қилиш фойдалидир. Ширин мағизли бодом 40-70% ёғ, 20-25% оқсил, 6% шакарга эга бўлиб, турли дармондори, органик моддаларга бой ва қандолатчилик саноати учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади. Кунжарасида 10% гача мой, кўп микдорда оқсил ва углеводлар бўлади. Тахир бодом таркибида ёғ, оқсил, шакардан ташқари 2-2,5% амигдалин бўлиб, парфюмерия саноатида ва тиббиётда кенг қўлланилади. Бодомнинг пўсти газ ютадиган кўмир тайёрлашда, виночиликда винога хушбўй хид, сифат ва таъм беришда фойдаланилади. Бодом пўчоғининг қулида 40% гача калий ҳосил бўлади ва ўғит сифатида фойдаланилади. Бодом ёғочи жуда қаттиқ ва чиройлидир, шунинг учун дурадгорликда ва техника учун қимматли хомашё ҳисобланади. [2,5].

Бодомдан юқори ҳосил олишда уни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бугунги кунда бодомзорларда бир нечта турдаги зараркунандалар учраши ва зарар етказиши қайд этилмоқда. Ушбу зараркунандалар мевахўрлар, каналар, ўсимлик ширалари бўлиб, бодомни турли ривожланиш фазаларида зарар етказилади.

Бодом мевахўри (Eurytoma samsonovi Vass). Бодомнинг энг муҳим зараркунандаси бодом мевахўри бўлиб, бу зараркунанда билан курашиш мумкин. Бодом мевахўри тухумини меванинг устига қўяди. Личинкалар мева устида зарарлашишларга йўл очиб, меванинг тўқилишига сабабчи бўлади. Ли-чинкадан зарарланган мева бошқаларидан фарқи бўлиб

(сарғиш), улардан осон ажратиб олиш мумкин. Личинка мева ичида озикланиб, унинг ичкарисига қараб ҳаракатланади ва ичини бўш қилиб қўяди. Мевада фақат қобиқ қолади. Зараркунанданинг борлиги қобиқдан очилган деярли 2 мм ли тешигидан билиш мумкин. Личинкалар оқ рангли, оёқсиз бўлади. Бодом мевахўри қишни бодом ичида етилган личинка даврида ўтказилади. Баҳорда катта личинкалар мевани тарк этади. Маълум муддат ўтиб етилади. [2.].

Каналар. Урғочисининг танаси қизил рангда ва устида узун туклар жойлашган. Эркак урғочисидан кичикроқ ва учи ўткирдир. Тухумлари қизил, ташқариси чизикли пиёз тузилишида бўлади. Личинкаси уч жуфт оёқли. Қишни тухум ҳолатида дарахт пўстлоғида ўтказилади. Баҳорда тухумдан чиқади ва личинкалар янги барглارга ўтиб, сўришни бошлайдилар. Асосан баргнинг орқа юзасидан топилади. Атроф-муҳит шароитларига қараб 2-3 ҳафтада ҳаёт циклини тугатади. Уруғланган тухумдан фақат эркаklar, уруғланмаган тухумдан ҳам эркак, ҳам урғочилар ривожланади. Бир йилда 4-8 марта насл беради. Ёғочи қаттиқ бўлган дарахтларда баргларининг рангги ўзгариб оқ ёки кулранг ранг бўлади, барглар муддатидан аввал тўкилади. [2,3.].

Барг битлари. Барг битлари барглари буриштириб қўяди, баъзан эса тўкиб юборади, ёш новдаларни ўстирмай қинғир қийшиқ қилиб қўяди ва мева ҳосилини камайтириб юборади. Ёш кўчатлар, жумладан ёш шафтоли дарахтларига битлар айниқса катта зарар етказилади: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради; нимжон бўлиб қолган дарахтларга иккиламчи зараркунанда – пўстлоқости кўнғизлари тушиб зарарлайди; дарахтлар куриб қолади; ёш мева дарахтларига катта зиён етказилади. Буларнинг олдини олиш учун барг битларига қарши кимёвий воситалар билан ишлов берилади. Баҳор охирларида битларнинг кўп турлари мева дарахтидан бошқа ўсимликларга ёки сабзавотларга ўтади. [4,7.].

Зараркунандаларга қарши курашиш усуллари.

1. Бодом мевахўрини қиш даврида дарахтда қолган ва ерга тўкилган қуртлаган мевалар йиғилиб ёқиб юборилиши керак. Шунингдек, қарши курашиш чора-тадбирларини амалга



1-расм. Бодом зараркундаларини турларини ўрганиш.



2- расм.Ўргимчаккана зарарлаган бодом барглари.



3-расм. Бодомзорларда тарқалган ўсимлик ширалари.

ошириш мумкин. Тузоқлар ясаиб, илк катта урғочи зараркунанда аниқланганида кимёвий ишлов бериш керак. Бодом мевахўрларига қарши Толстар 10 % эм.к (-0,6 л/га), Циперметрин 25 % эм.к (-0,2 л/га), Циперфос 55 % эм.к (1,0 л/га).

2. Куртакчалар бўртмасидан икки ҳафта олдин қишки кимёвий ишлов бериш, тухумдан чиққанидан кейин махсус акарацидлар билан баҳорги ишлов бериш, ёзги тухумларини қўйганидан кейин махсус акарацидлар билан ёзги ишлов бериш керак. Каналарга қарши Децис 2,5% эм.к (0,5 л/га), Фуфанон 57 % эм.к (1,0-3,0 л/га), Золон, 35% эм.к (0,8-2,8 л/га), Би-58 (Янги) 40% эм.к (1,2-2,0 л/га).

3. Кўпгина йиртқич ва паразитлар – хонқизи, сирфид пашшаси, олтинқўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар барг битлари билан озиқланиб уларнинг миқдорини камайтиради; уларнинг миқдори кўпайиб кетганда қўллаш учун рухсат этилган кимёвий воситалар ёрдамида кураш ўтказилади.

Маданий чора-тадбирлар тариқасида бегона ўтлар йўқ қилиниши керак. Ўсимлик шираларига қарши. Овипрон 2000 эм.к (нефт мойлари) (10,0-15,0 л/га), Когинор 20% эм.к (0,15-0,25 л/га), Тайшин 50% (0,03-0,08 кг/га), Моспилан 20 % н.кук (0,15 кг/га).

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтганда бодомзорларда кенг тарқалган зараркунандаларга қарши, жумладан бодом мевахўрига, Толстар 10 % эм.к (-0,6 л/га), Циперметрин 25 % эм.к (-0,2 л/га), Циперфос 55 % эм.к (1,0 л/га) кимёвий препаратларини, каналарга қарши Децис 2,5% эм.к (0,5 л/га), Фуфанон 57 % эм.к (1,0-3,0 л/га), Золон, 35% эм.к (0,8-2,8 л/га), Би-58 (Янги) 40% эм.к (1,2-2,0 л/га), ўсимлик шираларига қарши, Овипрон 2000 эм.к (нефт мойлари) (10,0-15,0 л/га), Когинор 20% эм.к (0,15-0,25 л/га), Тайшин 50% (0,03-0,08 кг/га), Моспилан 20 % н.кук (0,15 кг/га) препаратлари қўлланилса, зараркунандалардан 80-85 % гача ҳимоя қилиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Умурзақов Э., Жавлиев С. Бодомнинг зарарли организмлардан ҳимоя қилиш. Агро илм. 5-сон. Тошкент- 2022. Б.51.
2. Умурзақов Э., Омонтурдиев Ш. Бодом (*Amygdalus*). Монография. Самарқанд давлат чет тиллари институти нашриёти. Самарқанд-2023. Б 330.
3. Юсупов А., Нафасов З., Ёнғоқ зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. Агро илм. 4-сон. Тошкент - 2017. Б. 62-63
4. Умурзақов Э., О.Пўлатов. Грек ёнғоғи (*Juglans regia*). Монография. Самарқанд давлат чет тиллари институти нашриёти. Самарқанд-2023. Б 224.
5. Намозов И.Ч., Нормуратов И.Т. Агробанкнинг 100 китоб тўплами. Бодом етиштириш. 59-китоб. "Тасвир". Тошкент – 2021. Б. 60.
6. Shukurov.X., Mamaraximova N. Yirik shaftoli tana shirasining oldini olish. AGRO ILM 3 (27)-son, 2013. - 52 b
7. Yusupov A.X. Shukurov X.M. Bog'larni zararkunandalardan uyg'unlashgan himoyasining takomillashtirilgan tizimi. Tavsiyanoma. ToshDAU. – Toshkent. 2010. – B. 12-14.

UO'T: 633+632,7

BODOM (*AMYGDALUS CAMUNIS*) NING ASOSIY ZARARKUNANDALARINING SISTEMATIK TAHLILI VA ULARNING O'RGANILGANLIGI

Artikov Orifjon Obidovich,

Toshkent davlat agrar universiteti "O'simliklarni himoyasi va karantini" kafedrası assistenti.

Аннотатсия. Ushbu maqolada bodom daraxtining asosiy zararkunandalaridan Bodom kichik oltin qo'ng'izi (*Sphenoptera Kaznakom Jak.*), O'rgimchakkana (*Tetranychus urticae Koch.*), Qalqonli shira (*Shitovki.*), Olti nuqtali zlatka (*Chrysobothris affinis subs nevskii Richt*) zararkunandalarining sistematik tahlili, tarqalishi bodom daraxtiga keltiradigan zarari haqida keltirib o'tilgan.

Аннотация. В данной статье приведены систематический анализ, вредоносность и распространение основных вредителей миндаля как малая миндальная златка (*Sphenoptera Kaznakom Jak.*), паутиновый клещ (*Tetranychus urticae Koch.*), щитовка и шеститочечная златка (*Chrysobothris affinis subs nevskii Richt*)

Bodom. (*Amygdalus L.*)- ra'nodoshlar (*anorgullilar oilasi*) ga mansub daraxt va butalar. 40 ga yaqin turi ma'lum. Osiyo, Shimoliy va Markaziy Amerikada, Yevropaning janubida, Kavkazortida, O'rta Osiyoda tarqalgan. O'zbekistonda 5 turi mavjud. Ulardan bittasi shirin mag'izli bodom (*A. -comminis L.*), qolganlari yovvoyi holda uchraydi. O'zbekistonning dengiz sathidan 1000 - 1200 metrgarha bo'lgan togli zonalarida (Farg'ona vodiysi, Surxondaryo, Samarqand, Toshkent viloyatlarida) o'stiriladi.

Bodom kichik oltin qo'ng'izi (*Sphenoptera Kaznakom Jak.*). Qo'ng'izning kattaligi 10 – 12 mm, orqasining oldi qismi oldi chekkasi to'g'ri, orqa chekkasi qanotustliklarning asosiga

yaqin joydan o'yilgan. Gavdasi yassilangan, cho'ziq oval shaklda, qanotustliklari orqaga qarab ingichkalashadi, ularning yuzasida uzunasiga ketgan qator-qator nuqta shaklidagi chuqurchalar bor, boshi keng, ammo kichkina, orqasining oldingi qismi kabi mayda nuqta shaklidagi chuqurchalar bilan qoplangan. Gavda sirti juda ham qotgan, tuksiz. Qo'ng'izlarining rangi qora, yaltiroq.

O'rgimchakkana (*Tetranychus urticae Koch.*) o'rgimchaksimonlilar (*Arachnoidea*) sinfiga, Acariphormes turkumiga, o'rgimchakkana (*Tetranychidae*) oilasiga mansub.

O'rgimchakkana keng tarqalgan zararkunanda bo'lib, O'rta Osiyo mamlakatlaridan tashqari ko'pgina Yevropa va Osiyo